



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 126 (11.687)

Баҳоси эркин нархда

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтган беш ой ичида пойтахтимизда ёшлар учун 11058 та квоталанган иш ўринлари яратилди. Йил охиригача бу кўрсаткичнинг 48200 тани ташкил этиши кўзда тутилган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ижтимоий лойиҳалар

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ — ЁШЛАР УЧУН



Бу борада 25 мингдан зиёд бўш иш ўринларини тўлдириш мақсадида 208 та корхона ва ташкилот Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ташкил этилган навбатдаги икки кунлик меҳнат ярмаркасида ўз имкониятларини намойиш этмоқда.

Бу кўпми ёки кам, деган ҳақли савол туғилади. Жорий йилда олий ва ўрта махсус ўқув юрталарини 51200 нафар ўғил-қизларимиз тугатаётганини назарда тутадиган бўлсак, ушбу савол ортқча изоҳ талаб этмас керак. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, бу ёшларимизнинг барчаси амалий таърибга эга бўлмасда, бироқ аниқ касб соҳибларидир.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда анъанавий ўтказиб келинаётган меҳнат яр-

маркаларининг мақсади бугунги кунда барча жабҳаларда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг эртанги давомчилари — ёшларни доимий иш билан таъминлашдан иборатдир.

— Саъй-ҳаракатларимиз самараси ҳақида гап кетганда, аввалги ўтказилган тадбирлар натижаларини келтириб ўтиш ўринли, албатта, — дейди шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг масъул котиби Мадамин Раҳимов. — Шу билан бирга, очигини айтиш керак, ҳали ўзига яраша муаммолар ҳам бор. Аммо бевосита иш берувчиларни жалб этган ҳолда улар аста-секин ечимини топаётганини ҳам таъкидлаш лозим. Қолаверса, хўжалик субъектларининг ўзи мана шундай тарзда — кенг даврада бор салоҳиятини намойиш этишга катта қизиқиш билдираётгани эътиборлидир. Ишон-

чимиз қомилки, навбатдаги бўш иш ўринлари тадбири аҳолининг, айниқса фарзандларимизнинг бандлик масаласини ҳал этишда салмоқли самара беради.

Айтиб ўтиш керакки, битирувчи ёшларимиздан ташқари, мазкур тадбирнинг биринчи кунда 8 мингга яқин вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳоли иштирок этиб, иш берувчилар билан бевосита мулоқотда бўлишга эришди. «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимининг маълумотига кўра, икки кун давомида пойтахтимизнинг аксарият маҳаллалари фаоллари бошчилигида бўш иш ўринлари ярмаркасига 15 мингдан зиёд банд бўлмаган киши таъриф буюриб, ўз касби бўйича иш топишга ёки мутахассислигини ўзгартириш учун ўқув курсларига йўлланма олишга эришди.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

Ф.ЖЕРЕ:

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТДАГИ РАИСЛИГИ ЎЗ ЖЎШҚИНЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРДИ»

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги аяқунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Франциянинг сиёсий, парламент, иқтисодий, эксперт-таҳлилчи ва академик доиралари, хорижий давлатлар дипломатлари, халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО вакиллари иштирок этди.

Брифинг қатнашчиларининг эътибори Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги даврида эришилган натижалар, жумладан, ШХТ фаолияти самардорлигини юксалтиришга йўналтирилган ташкилотнинг устувор вазифаларини амалга ошириш борасида қилинган салмоқли ишларга қаратилди. Ушбу йўналишда ШХТнинг турли тузилмалари қарор қабул қилиш механизмларини оптимallasштириш ва замонавийlasштириш, Янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоимнинг ишлаб чиқилиши, Ташкилотнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш ва метъерий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар санаб ўтилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида сўзлаган нутқининг асосий мазмуни, хусусан, мамлакатимизнинг аффон муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббуслари, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари ҳақидаги қарашлари билан таништирилди.

Маросимда сўзга чиққан **Гавр университетини профессори, сиёсатшунос Пьер Шабаль** Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислигини юқори баҳолаб, бу даврда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни чуқурlasштириш, савдо ва сармоявий ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида энергетика, транспорт ва коммуникация, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника соҳаларида амалий ҳамкорликни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилганига эътибор қаратди.

«Ўзбекистон томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар эвазига ШХТ институтlasштириш ва халқаро сиёсатда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш борасида улкан натижаларга эришди. Тошкент саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, тенг ҳуқуқли аъзолар ҳисобига Ташкилотни кенгайтиришга хизмат қилувчи Янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоимнинг тасдиқлангани, АСЕАН, МДХ билан ўзаро алоқалар меморандумлари қабул қилингани, шунингдек, ШХТ ва БМТ котибияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзолангани ШХТни ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди.

(Давоми 2-бетда).

«ОЗОД ЮРТ ТЎЛҚИНЛАРИ» МЕДИА-ФЕСТИВАЛИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини раванқ топтириш, соҳа учун юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган босқичма-босқич, тизимли ишларда нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолиятини кенгайтириш, улар учун зарур барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу эса ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши, аҳолининг дунёқарashi ва маънавияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ах-

борот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивали ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбирда бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг яққол ифодасини топди.

Тадбирга турли вазирлик

ва идоралар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳамда «Келажак-пресс» ҳудудий ёшлар марказларининг ижодкорлари учун «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси

томонидан ташкил этилган маҳорат сабоқлари тингловчилари тақлиф этилди.

Юртимизда миллий матбуотни янада ривожлантиришга оид эзгу ишларда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкам-

лаш, энг замонавий рақамли ахборот техника ва технологиялари билан таъминлаш, ёш мутахассисларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кенг қўламли ислохотлар, жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тезкор ва холис етказишда бугунги кунда миллий медиа маконда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ошмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институти Ахборот-таҳлил маркази ва Ўзбекистон экологик ҳаракати шаҳар бўлими томонидан ҳамкорликда «Обод маҳалла — шаҳримиз кўрки» мавзусида уюштирилган тадбирда Чилонзор тумани маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

✓ **БЕКТЕМИР** туманида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан Баркамол авлод йилига бағишлаб «Биз — гиёвандликка қаршимиз» шиори доирасида ўтказилган тадбирда «Миришкор», «Роҳат» маҳаллалари ёшлари иштирок этди.

✓ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 37-оилавий поликлиникада шифокорлар иштирокида ўтказилган семинар тиббий профилактикани яхшилашнинг долзарб масалаларига бағишланди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Тиббиёт қонунчилигида фаннинг амалиёт билан бирлиги масалалари: муаммо ва ечимлар» мавзусида анжуман ўтказилди.

• Самарқанд шаҳридаги «Хунармандлар маркази»да Ўзбекистон Бадий академияси академиги, кулол Шариф Азимовнинг «Хум ва кўзалар цехи» деб номланган асарлари кўргазмаси очилди.

• Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида «Ёшлар — гиёвандликка қарши!» мавзусида фестивал бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда турли соҳа вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

• Наманган шаҳридаги «Тўқимачи саноат текстиль» масъулияти чекланган жамиятида кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилган, матога гул босиш ҳам ўзlasштирилди. Янги қувватларнинг ишга тушиши ҳисобига йилига 500 минг погон метр газлама тайёрлаш имконияти юзага келди, шунингдек, қўшимча 18 та янги иш ўрни яратилди.

• Тошкентда тўрт кун давомида мунайтаб бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионатда умумжамоа ҳисобида тўрттадан олтин ва қумуш, битта бронза медалини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биринчи ўринни қўлга киритди.

• Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номи вилоят мусикали ва драма театрида «Ҳамшира—2010» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси ва «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 14 нафар ҳамшира ўзаро беллашди.

• Сурхондарё вилояти Денов туманида табиий шарбатлар ва чанқовбосди ичимликларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологик линия фаолият бошлади. Ҳозирда бу ерда тўрт хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлиб, хусусий корхона хом ашё етказиб бериш юзасидан фермер хўжаликлари билан шартномалар тузмоқда.

ЖАҲОНДА

• Бугун Германия федерал мажлиси томонидан мамлакатнинг янги президенти сайланади. Ушбу лавозимга Кристиан Вульф ва Иоахим Гаук даъвогарлик қилмоқда.

• АҚШнинг Афғонистондаги халқаро контингенти қўмондонлигига яқинда сайланган генерал Дэвид Петреус Сенатда сўзга чиқиб, яқин ойлarda Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг кучайтирилиши мумкинлигини таъкидлади.

• Испанияда икки кундан буён ишчи-хизматчиларнинг умумий иш ташлашлари ўтказилмоқда. Улар мамлакатдаги иқтисодий қораларни енгилasштиришни талаб қилмоқдалар. Бильбаода намоий-ишчиларнинг полиция билан тўқнашувлари рўй берди. Мадрид шаҳрида эса илк бор метрополитен ходимлари иш ташладилар.

• Кеча Кашмирда ҳиндларга қарши ўтказилган намоий қатнашчиларининг полиция билан тўқнашуви натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди.

• Хитой пойтахти Пекин шаҳри атрофидаги кимёвий корхонада ёнгин содир бўлди. Натижада маҳаллий «Yanfeng Huaxing Warehouse Logistics» компаниясига қарашли мазкур муассаса иншоотларига жиддий зарар етган. Қурбонлар ва жабранганлар йўқ. Ҳозирча ёнгин сабаби аниқланмаган.

• Токио университети мутахассислари елканли капалак номини олган ҳашаротнинг механик нуқсанини яратишга муваффақ бўлишди. Янги ишланманинг аҳамиятли томони шундаки, эндиликда унинг ёрдамида мазкур ҳашаротларнинг парвоз қилиш механизмининг ўрганишга имкон туғилади.

Буни давр талаб этмоқда. Жаҳонга юз тутган Ўзбекистон барча соҳада тенгма-тенг бўлишга, бу борада нафақат иқтисодийда юқори марраларга эришишга, балки ташқи ва ички сибсатни оқилона юритган ҳолда инсонларнинг маънавий-маърифий манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳам замон билан ҳамнафас қаноатланишига замин яратаётир.

Глобаллашув асрида, дарҳақиқат, ҳаёт талаблари ҳам жаддаллашиб бораётгани гувоҳимиз. Қайси соҳани оймайлик, замонавийлик, модернизация, янги-янги технологик жараёнлар кириб бораётганини кузатиш мумкин. Оқдй сўз билан айтганда, бу борада мувозаанатни ушлаб туриш, талабга яраша тақлиф бериш осон эмас.

Мустикаллимизнинг илк йилларидан кучли давлат куриш йўлида мамлакатимиз Президент томонидан белгилаб берилган бешта асосий тамойилнинг ҳаётда ўз ифодасини топаётгани, бу борада эришаётган ютуқларимизнинг халқроҳ ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани бошлаган ишларимизни давом эттирган ҳолда салохиятимиз ва имкониятларимизни яна бир бор сарҳисоб қилиб, очилмаган қирраларни ҳаракат солишимиз лозимлигини тақозо этмоқда.

Биринчи галда иқтисодийда таркибий ўзгаришларни давом эттириш даркор. Президентимиз «Асосий вазирамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш» мавзусидаги маърузасида 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналиши сифатида айнан иқтисодий таркибий ўзгариш жараёнларини чуқурлаштириш сибсатини давом эттириш лозимлигини таъкидлаган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган турли-туман маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Албатта, пойтахтимизда ҳам бу борадаги сазй-ҳаракатларнинг кўлами кенг. Айниқса, эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, иқтисодий истиқболли бўлмаган корхоналарни ё тугатиш, ёки уларга имконият берган ҳолда фаолиятини тиклаб олиши бўйича мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Инқирозга қарши чоралар дастурини кўзда тутиб, иқтисодий имтиёзлар, кафолатларни жорий этиш юзасидан изчил ҳаракатлар давом эттириляётир.

Айтиб ўтиш жоизки, Инқирозга қарши дастур ихросини таъминлаш бўйича шаҳар (шу жумладан туманлар миқёсида ҳам) ишчи гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, мутасадди идоралар вакилларини жалб этган ҳолда иқтисодийнинг реал сектори корхоналари олдига турган муаммолар ўрганиляётир ва белгиланган тартибда уларни ҳал этиш чоралари кўрилоқда. Бу борада тегишли ҳокимликлар тузилмалари, туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилотлар билан биргаллик ҳар ҳафтада муаммоли масалалар бўйича тақлифлар жамланиб, Ва-

зирлар Маҳкамаси ва Иқтисодий вазирлигига киритиб борилмоқда.

Ўтган йилдан буён мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳига пойтахтдаги 80 дан зиёд корхона томонидан турли йўналишдаги масалалар юзасидан муурожаатлар бўлган ва уларнинг аксарияти қаноатлантирилган. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам шаҳар ва туман ҳокимликларининг сазй-ҳаракати Инқирозга қарши дастурнинг амалга оширилишига қаратилди.

Инқирозга қарши дастур доирасида Тошкент шаҳрида амалга оширилган ишлар самараси иқтисодий кўрсаткичларда ҳам ўз аксини топди. Жо-

га 1300 та лойиҳани амалга ошириш учун 252,4 миллиард сўм кредит (шу жумладан 15 миллиард сўм микрокредит) берилди. Ушбу маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига 1400 та янги иш ўрни яратилди.

Бевосита Шайхонтоҳур туманини оладиган бўлсак, жумладан, инвестиция дастурига кўра жорий йилда деярли 15 миллион АҚШ долларига тенг 11 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ўтган беш ой давомида 2,6 миллион доллар тенг ишлар амалга оширилди. Дастурга киритилган «Тошкент кувурлар заводи» қўшма корхонасини пўлат листлар ишлаб чиқариш учун модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича 14,4 миллион доллар сарфланиши белгиланган лойиҳа доирасида 565 минг доллар ўзлаштирилди. «Милен» масъуляти чекланган жамиятида қарниз ишлаб чиқариш линияси ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда олти та янги ускуна ўрнатилмоқда. «Тўтзорнон» хусусий корхонасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ишларига 441,2 минг доллар сарфланди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш ҳисобига 403 та қўшимча иш ўрни яратилди. 2010 йилда барча йўналишлар бўйича туманда 7925 та янги иш ўрни яратилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари қўшимча дастур бўйича белгиланган 5666 та иш ўрнидан беш ой ичида 1633 таси ташкил этилди.

Албатта, аҳолининг бандлигини таъминлаш масаласини ҳал этиш орқали биринчи навбатда одамларнинг турмуш даражасини янада ошириш мумкин. Шундай экан, жорий йилда бу борадаги сазй-ҳаракатларимизни давом эттирган ҳолда, турли шаклдаги касаначиликни, халқ унвормандчилигини ривожлантиришга, оилавий тадбиркорликни рағбатлантиришга эътибор қаратамиз, яъни амалда ўзини оқлаб улгурган йўналишлар устувор бўлиб қолади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мазкур ўта муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда кичик ва хусусий бизнес соҳасини янада жадал ривожлантириш даркор. Чунки, очигини айтиш керак, нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришига тез мослашадиган, янги иш ўрнинлари яратиш имконини берадиган кичик бизнес муҳим аҳамиятга эга масала бўлиб қоляётир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, давлат бош ислохотчи сифатида «бутун халқнинг манфаатини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, ижтимоий-сиёсий ҳаётда туб ўзгаришларни амалга ошириш сибсатини ишлаб чиқиш ва изчил рўёбга чиқариши керак». Давлатнинг вазифалари жойларда маҳаллий ҳокимликлар зиммасига юклатилган экан, биз бу борада барча имкониятлардан тўлиқ ва оқилона фойдаланган ҳолда бор кучимизни иқтисодий юксалтиришга, аҳоли фаровонлигини янада оширишга сафарбар қилишимиз лозим.

Атхам ЖУМАОБОВ,
Шайхонтоҳур тумани ҳокими,
Сенат аъзоси



Ярмаркалар
КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ
МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

«Ўзэкспомарказ» мажмуасида аънавий тус олган халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржанинг дастлабки босқичи - таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникация тармоқлари ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.

Мазкур тадбир юртимиз саноатининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Навбатдаги ярмаркада Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, шунингдек, «Ўзфармасаноат», «Доридармон» компаниялари тизимидаги ўнлаб корхоналар, хусусий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар — 40 дан зиёд компаниялар қатнашмоқда.

Бундай тадбирларда мунтазам қатнашишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди «Zamona Rano» масъуляти чекланган жамияти директори Акмал Насриддинов. — «Rano» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган 30 турдан зиёд маҳсулотларини республика бўйича ўз харидорини топиши қаторида, қўшни давлатлардан ҳам ҳамкорлик ўрнатиш тақлифлари тушмоқда. Шифобахш чой, фиточойлар миқозларни мамун қилмоқда. Импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар тайёрлай бошлаганимиз солиқ тўлов бўйича имтиёزلардан фойдаланиш имкониятини бермоқда. Иқтисод қилинган маблағ ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Саноат корхоналарининг барқарор ишларини таъминлаш, маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорда ҳам рақобатбардошлигини ошириш, кооперация алоқаларини мустаҳкамлашда Президентимизнинг «Ички тармок ва тармоқларро саноат кооперациясини янада кўчайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуруламал бўляётир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга қаратилган дастурлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, ярмаркалар нафақат янги маҳсулотларни намойиш этиш ёки ўзаро фикр алмашиш, балки корхоналарро алоқаларнинг мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилмоқда. Ярмарка доирасида янги корхоналар тақдими то ҳам бўлиб ўтмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
Козим Улмасов олган сурат

Ф.ЖЕРЕ:
«ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ШҲТДАГИ РАИСЛИГИ
ЎЗ ЖЎШҚИНЛИГИ
БИЛАН АЖРАЛИБ
ТУРДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).
Ташкилот доирасида амалга оширилган ишлар аслида ШҲТнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш йўлидаги пухта ўйланган ва мақсадли йўналтирилган тадбирлар эканлигини далолатдир».

Франциянинг Стратегик таҳлил институту президенти, Франция Миллий мудофааси олий тадқиқотлар институту директори ўринбосари Ф.Жеренинг таъкидлашича ушбу минтақавий ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган келгуси самарадорлигини мустаҳкамлаш борасида фаол иш олиб борилган Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги даври ўзининг жўшқинлик хусусияти билан ажралиб турди. Шунингдек аъзо давлатлар ва кузатувчи мақомидаги давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган сазй-ҳаракатлар ҳам эътиборга моликдир.

Ўзбекистон раислиги доирасида ушбу ташкилотнинг халқаро нуфузини ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон томонидан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида қабул қилинган чоралар муҳим саналади. Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарининг афғон муаммосини бартафр қилиш, хусусан, ушбу жараёнда Афғонистонга қўшни бўлган давлатларнинг иштирок этиши зарурлиги ҳамда афғон халқига аниқ мақсадда йўналтирилган иқтисодий ёрдам кўрсатиш борасидаги ташаббуси ўта муҳим аҳамият касб этди.

«ШҲТ мақони ўзида коммуникация алоқаларининг улкан истиқболга эга бўлган бозорини намойиш этмоқда, — дея алоҳида таъкидлайди Ф.Жере. — Яқин келажакда ХХРдан бошланиб Марказий Осиёдан ўтадиган ва Европага етиб борадиган тезорар поездлар билан таъминланган темир йўли ривожлантириш лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Шу жиҳатдан мен Ўзбекистон Президентининг, ХХI аср глобаллашув ва улкан алмашинувлар даври бўлади, деган фикрига тўла қўшиламан. Шунинг учун ҳам замонавий коммуникацияни ривожлантириш зарурлиги долзарб масалага айланиб бормоқда».

«Жаҳон» АА,
Париж

«ОЗОД ЮРТ
ТЎЛҚИНЛАРИ»
МЕДИА-ФЕСТИВАЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бир қатор ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танлов ва фестиваллар, семинар-машғулотларни ўтказиб келмоқда. «Озод юрт тўлқинлари» аънавий медиа-фестивалидан кўзланган асосий мақсад — юртимизда фаолият кўрсатаётган наднавт телерадиоузатувчиларнинг ривожланиши ва сифатли материалларнинг кўпроқ яратилишига имкон яратиш, аҳолининг ахборотга бўлган талабини қондириш борасидаги фаолиятни кучайтириш, электрон медиа тармоқда соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш, журналистларнинг касб маҳоратини юксалтириш орқали жамиятимизни тезкор ва ҳолис ахборот билан таъминлашдан иборат.

Фестивалга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги ҳудудий телерадиостанциялар журналистларидан келган ижодий ишларни баҳолашда таҳлилий-маърифий, иқтисодий йўналишдаги кўрсатув ва эшиттиришларнинг тайёрлаши, эфирга узатилаётган материалларда ёшларнинг ҳаёти, фаолияти, эзгу орзу-интилишларининг ўз ифодасини қай тарзда топаётгани, тезкор, ҳолис ва ҳаққоний материаллар яратишга яқиндан кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда материалларнинг сифати, савияси, кўтарилаётган мавзунинг долзарблиги, ахборотнинг миллий манфаатларимиз ҳамда томошабинларнинг талаб ва эҳтиёжига мос келиши каби жиҳатларга асосий мезон сифатида ёндашилди.

Медиа-фестивалда турли номинациялар бўйича «Самарқанд — СТВ» телевизион ижодий уюмиси (Самарқанд вилояти), «ТВ-Марказ» телевидениеси (Тошкент), «S-Iqbol» телевидениеси (Хоразм вилояти), «Тўрткўл-НРТ» радиостанцияси (Қорақалпоғистон Республикаси) ижодий жамоалари биринчи ўринга сазовор бўлди.

Танловнинг голиб ва совриндорларига дипломлар топширилди.

Фестиваль голибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ЎСМИР ВА ҚОНУН

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, шу жумладан, ёшларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасида тизимли ва босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда.

Миллий қонунчилигимизнинг вояга етмаган шахслар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисми бугунги кунда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, ёшларга оид давлат сибсатининг асосий йўналишлари ва дастурларининг мазмун-моҳиятига мос тарзда тақомиллаштирилмоқда. Уларда болаларни ҳар томонлама муҳофаза этиш кафолатлари яратилган. Бу Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлиб ўтган «Ўсмир ва қонун» мавзусидаги конференцияда алоҳида қайд этилди.

Анжуманда юртимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлиқини сақлаш, маънавиятини юксалтиришга давлат миқёсида эътибор қаратилган бўлиб ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Ички ишлар, Олий ва ўрта махус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда қонун ҳужжатларининг ҳаётда тўлиқ ўз ифодасини топиши борасида қилиниши зарур бўлган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Мустикаллик бахш этган неъматлардан бири ёш авлод тарбиясига, буюк давлатимиз келажак бунёдкорларни ҳар томонлама етук, халқ ва Ватан бахт-саодати йўлида фидойи инсонлар бўлиб вояга етишига доимий эътибор бериб келинаётганидир.

Ўсиб келаятган авлодга ғамхўрлик, уни ҳам жисмонан, ҳам маънавий чиникитиб бориш, ҳуқуқий демократик давлат, юксак тараққий этган фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшлар тарбияси масаласи бугунги кунда мамлакатимизда давлат сибсати даражасига кўтарилган бунинг яққол далилидир.

Ҳар қандай жамият тараққиётида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий салохияти, билим ва тажрибаси, замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдалана олиш иқтидорини ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз томонидан олдимида қўйилган улугвор вазифаларнинг муваффақиятли адо этиб борилиши юксак малакали кадрлар, уларнинг ташаббускорлик, ишчанлик, урдабурунлик қобилияти, истиқлол гоғларига чексиз садоқати, ватанпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ. Бинобарин, шу вазифаларни ўзида муксамашлаган миллий кадрларни тайёрлаб етиштириш келажак буюк давлат асослари яратилишининг энг долзарб вазифаларидандир.

Муҳим ва долзарб мазкур масала истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданқон мамлакатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келаятгани бежиз эмас. Президентимизнинг шахсан ташаббуси ва сазй-ҳаракатлари асосида ёш авлодни тарбиялаш, юксак иқтидор ва билим, маҳорат эгалари қилиб улғайишига қаратилган муҳим қарорлар, қонунчилик ҳужжатлари, кенг қамровли Давлат дастурлари қабул қилинди.

Жаҳон жамоатчилиги кенг эътироф этган муҳим йўналишлардан бири — мамлакатимизда ёшларга билим беришининг узлуқсиз ва самарали тизими яратилганидир. Мазкур тизимнинг мукамаллиги, йигит ва қизларнинг истаган билим ва касб-хунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилгани, бунда жамият эҳтиёжлари билан шахс манфаатлари, яъни ёшларимиз орзу-истаклари ҳамоханг ва уйғунлиги тўла таъминланганлиги ҳамдўстлик мамлакатлари ва Европа давлатлари мутахассислари томонидан кенг эътироф этилгани қувонарлидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози айни авжига чиқиб турган бир пайтда Ўзбекистонда кўплаб касб-хунар коллежлари, лицейлар курилиб ишга туширилган бўлиб, таъкидлашнинг ўзи фикримизда асосли далаил бўла олади. Айни пайтда минглаб мактаблар капитал таъмирланиб, янгилари бунёд этилди. Касб-хунар коллежлари, лицейлар, мактаблар ҳам энг замонавий ўқув куроллари, компьютер техникалари билан жиҳозланмоқда. Ўқувчиларга билим беришининг энг илғор, синондан ўтган усуллари тобора кенг

2010 йил — Баркамол авлод йили
КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

жорий этиб борилмоқда. Ўсиб келаятган авлод тарбиясига кўрсатилаятган доимий ғамхўрликнинг яна бир ифодаси касб-хунар коллежларини битириб қийаётган ўғил ва қизларимизни танлаган касби бўйича иш жойи билан таъминлашда яққол кўзга ташланади. Шу мақсадда мамлакатда кичик бизнес корхоналари тармоғини кенг ривожлантириш, янги-янги иш ўрнинларини ташкил этишининг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастур ва режалари ишлаб чиқилган. 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши ўсиб келаятган авлод тарбиясига қаратилаятган эътиборни янада кучайтиришининг муҳим омилли бўлди.

Бу борадаги Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларига барча вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари жалб этилган. Уларнинг ҳаммаси ўз тадбирлар режасига эга.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий - барча соҳаларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини мутасил қондириб боришга қаратилган тадбирлар тизими ўз самарасини бермоқда. Фан ва техника, ишлаб чиқаришининг энг замонавий, илмий салохият ва иқтидорни талаб етувчи йўналишларида асосан ёшларимиз меҳнат қилаётганини, автомобил-созлик, электроникани пухта эгаллаган

ўғил-қизларнинг юксак касб маҳорати ва салохияти нафақат республикамизда, балки жаҳоннинг энг тараққий қилган мамлакатлари, жумладан, Жанубий Корея, Японияда эътироф этилаётганини таъкидлаб ўтиш ўринли.

Республикамиз вилоятларида ташкил этилаётган ривожланган мамлакатлар машҳур компания ва фирмалари иштирокидаги қўшма корхоналарда чуқур билим ва ақлий заковатни талаб этадиган гоят нозик ва мураккаб замонавий технологияларни ёшларимиз нисбатан қийинчиликларсиз ўзлаштиришга қаратилган хорижий мутахассис-муҳандислар ўз хайратини ошқорна намойиш этаётгани бежиз эмас.

Юртбошимизнинг шу йил 27 январдаги Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, жаҳон иқтисодий инқирози энг юксак тараққий этган мамлакатларни ҳам танг аҳволга солиб қўйган бир шароитда республикамизда йиллик яппи ички маҳсулот ҳажми 8,4 фоизга, шу жумладан саноатда ишлаб чиқариш - 9 фоизга, иқтисодийда жалб этилган инвестициялар - 26 фоизга ошди...

Шу жиҳатдан Хитойнинг Анхуй ахборот-технологиялари Институту профессори Руй Лининг эътирофи диққатга сазовор:

«Ўзбекистоннинг иқтисодий салохияти тобора юксалиб бормоқда. Мамлакатингизда иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳавас қилса арзиғулик ишлар амалга ошириляётир...»

Ҳар бир соҳада бўлганидек, ёш авлоднинг тарбиялаш, вояга етказиш, йигит ва қизларни буюк келажакимизнинг чинакам жонкуяр бунёдкорлари сафидан мустаҳкам ўрин олишда жамиятимизда шакланган ижтимоий шарт-шароит, муҳит ўз самарасини бермоқда. Бунда Юртбошимизнинг олис истиқболни кўзлаб, пухта ишлаб чиққан кадрлар сибсати муҳим ўрин тутаятганини таъкидлаш жоиз. Ёшларимизнинг ватанпарварлик шижоати, садоқат ва фидойилиги, чуқур билим ва малакаси, иқтидор ва салохияти эришаётган ва жаҳон эътирофига сазовор бўляётган улкан ютуқларимизда намойиш бўлмоқда. Бу эса мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаятган доимий ғамхўрлик сибсати нақадар тўғрилигининг амалий ифодасидир.

Анвар АКРОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридagi Давлат ва
жамият курилиши академияси
тингловчиси



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ХИЗМАТГА ШАЙ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги, фуқаролар осойишталигини таъминлаш тизими мустаҳкам қарор топди.

Соҳа юксак малакали, профессионал кадрлар билан таъминланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнги хавфсизлиги олий техник мактаби, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртида ана шундай кадрлар тайёрланмоқда.

Айни кунларда мазкур даргоҳларда ўқишни тамомлаётган ёшлар халқимиз осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчини адо этишга йўл олаётди. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академиясида навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди — кундузги таълим ва олий академик курсни тугатган тингловчиларга дипломлар топширилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

1992 йилда ташкил этилган мазкур академия битирувчилари ўтган йиллар мобайнида тегишли мутахассислиги бўйича фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун зарур билим ва кўникмага эга бўлди.

— Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, — дейди битирувчи ўтқирбек Юнусов. — Бу шарафли бурчни касб сифатида танлаган биз, ёшларнинг зиммасига эса янада улкан масъулият юклайди. Мен бунини доимо қалбим ҳис этиб, элу юртимизга садоқат билан хизмат қиламан.

Академиянинг олий академик курсларида раҳбар кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу курсларда олий юридик маълумотга эга мутахассислар малакасини оширади. Мазкур курсларни битирган офицерларга жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини сақлашни бошқариш ташкилотчи квалификацияси берилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

МОҲИР ЁҒОЧ ЎЙМАКОРИ

Миллий ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги йўналиши аждодларимиздан авлодларга ўтиб, ўзининг жозибасини янада ошириб бормоқда. Бу борада ҳамшиша изланишда меҳнат қилаётган ҳунари гўзалларнинг ҳиссаси салмоқли.

Мирсаид Нигматов ёғоч ўймакорлигига болалигидан меҳр қўйиб, бугунги кунда ўзининг тақдорини маҳсулотларини нафақат юртимиздаги, балки хориждаги харидорларга манзур этаётган иқтидорли ҳунармандлардан саналади. У ҳунар сир-асрорларини устозлари Зиннатилла Алимбоев ва Шухрат Азимовлардан ўрганган. Ҳозирда ёғоч ўймакорлигининг паргор ва исломий йўналишларидан фойдаланиб, меҳнат қилаётган Мирсаиднинг маҳсулотлар турлари 50 хилдан ортиб кетган, уларнинг ҳар бири ўзига хос кўринишга, бетакрор жозибачага эга.

— Маҳсулотларни тайёрлашда мустаҳкам ва чидамли хом ашёлар — ёнғоқ, чинор даракларидан фойдала-

наман, — дейди Мирсаид Нигматов. — Яратаётган нақшларимнинг бир-бирига ўхшамаслигига ҳаракат қиламан, устозларим ўғитлари асосида ишлайман, керакли маслаҳатлар оламан. Ҳозирда ўзим ҳам ёғоч ўймакорлигига қизиққан ёшларга ҳунар сирларини ўргатмоқдаман, изланишларимни ҳам давом эттиряпман.

Кейинги йилларда ёғоч ўймакори ёғоч ҳамда сополни уйғунлаштирган ҳолда кўплаб буюмлар яратдики, у кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Ўтказилаётган кўргазма, кўриктанловларда иштирок этиб, ўз маҳсулотларини намойиш этаётган ёш уста маҳорати эътирофга сазовор бўлмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

ЮКСАК ПАРВОЗЛАР САРИ

Тошкент юридик коллежида фан, таълим, маданият ва спорт йўналишларида ютуқларга эришган ўқувчиларни тақдирлаш ҳамда битирувчиларга диплом топшириш маросими ўтказилди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Тошкент юридик коллежида 3500 дан зиёд ўғил-қизлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ҳўжаликнинг ҳуқуқий фаолияти, маъмурий-ҳуқуқий фаолият ҳамда суд ижро йўналишларида таҳсил олмоқда.

Жорий йилда ушбу коллежни 967 та ўқувчи битириб (шундан 20 нафари имтиёзли диплом билан), олинган назарий билимини амалиётда қўллаб бошлайди.

Анжуманда мазкур таълим муассасасида ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги эътироф этилди.

Ушбу билим даргоҳида фан, таълим, маданият йўналишлари билан биргаликда спортга ҳам эришилган. Каратэ тури бўйича Ўзбекистон чемпиони, 2009 йилда Россияда ўтказилган халқаро турнир голиби Жамшид Янгитов, тазквандо бўйича 2009 йилда Осие чемпиони Юлдуз Мамадаминова, 2010 йилда республикамизда ўтказилган миллий кураш бўйича мусобақаларда Абдусаттор Абдулаттоҳовнинг голиб бўлганиги фикримиз исботидир. Бундан ташқари, коллежда бадий гимнастика, турон кураши, кикбоксинг бўйича республика ва халқаро турнирлар совриндорлари ҳам бор.

Тадбир давомида спортда ютуқларга эришган бир қатор ўқувчилар совғалар билан тақдирланди.

Акбар ЖИЯНОВ

Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги II республика тиббиёт коллежида туман ҳокимлиги ташаббуси билан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида юртимиз тинчлиги, осойишталигига диний экстремизм, ақидапарастлик, миссионерлик, гиёвандлик каби иллатлар билан раҳна солишга уринаётганлардан огоҳ бўлиш масалалари муҳокама қилинди.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Тадбирда сўзга чиққан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар бўйича кўмита ходими М. Ҳайдаров, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси бўлим бошлиғи М. Қаюмов ва бошқалар XXI асрда илм-фан ва техника жадал ривожланиши билан бирга гоёвий ва мафкуравий хуружлар ҳам бўлаётгани, хусусан, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни кўра олмаётган ва динни никоҳ қилиб, аслида гараз ниятда бўлган шахслар ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшларимизни эгри йўлга бошлашга уринаётганини қайд этиб, шундан келиб

чиққан ҳолда муқаддас ислом динимизнинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаяётган авлодга тўғри тушунириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Тадбир сўнгига «Жаҳолат чангалида» фильми намойиш этилиб, ёшларга билим олиш ва касб-ҳунар эгаллаш учун яратилган шарт-шароитларни қадрлаш, осмонимиз мусоффолиги, эркинлигини, бағримиз бутунлиги, авлодлар соғломлигини таъминлаш учун ҳамшиша огоҳ ва хушёр бўлиш келраклиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Ҳамшаҳарларимиз

ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Ҳалол меҳнати ила элимизда обрў-эътибор, ҳурматга сазовор бўлаётган, устоз-шоғирд аъёнларини давом эттиряётган, ҳаёт йўлида олган ўғитларини инсонларнинг оғирини енгил қилишга сарфлаётган ҳамшаҳарларимиз бугунги кунда орамизда кўплаб топилди. Биз бугун жамоада, маҳалла ва оилада бахтинини топган инсонлардан бири — Музрабековлар сулоласининг вакили Шокирбек ака ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Унинг болалик чоғлари азим пойтахтимизнинг сўлим даҳасида, хизматчи оиласида ўтди. Оиладаги соғлом муҳит, меҳнатга муҳаббат, ҳаёт сўқмоқларидаги шижоат, сабр-тоқат ва яратувчанлик ҳисси ота-онасидан Шокирбекка ҳам ўзгача руҳ ва кайфиятда йўғрилди.

Унинг меҳнат фаолияти 1967-1968 йиллар мобайнида «Бош-

ший хизматларни кенгайтириш борасидаги билим-тажри-

Инсон ҳаёти давомида хайрли ва эзгу ишлари билан улуғланади. Ақлу заковат, илм-ҳунарини элу юрт ривожини йўлида ишлата билиш, атрафдагиларга меҳр-мурувват улашиш ҳам катта бир бахт. Зеро, халқимизда «Интилганга толе ёр», «Меҳнат қилсанг — роҳат топсанг», деган нақллар бечисизга айтилмаган.



тошкентқурилиш»нинг 7-трест, 39-қурилиш бошқармасида чилангарлик билан бошланди. 1968-1969 йилларда шаҳар савдо бошқармаси «Шухрат» мактабиде талаба, кейинчалик турли масъул лавозимларда меҳнат фаолиятини давом эттирди. Ҳозирда Шокирбек Музрабеков соҳанинг ёш мутахассисларига хизмат маданиятини ошириш, аҳолига кўрсатиладиган маи-

басини ўргатиб келмоқда. Ўтган давр ичида Шокирбек ака ўзининг ишчанлиги, юклатилган вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариши билан жамоада катта ҳурмат қозонган. Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг фаолиятини такомиллаштиришга муносиб ҳиссасини қўшган ҳолда аҳолига

намунали хизмат кўрсатиш, хизмат турларини кенгайтириш устида изланиб, ижтимоий ҳаётда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Шокирбек Музрабеков салкам 45 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзининг ташкилотчи-

лиги, масъулиятни тўла ҳис этиши билан барчага намуна бўлиб келмоқда.

Соҳа ривожига эгаллаган билим ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этиш, янгилик сари интилишдан чарчамайдиган, олтимши баҳорни қаршилаган

Шокирбек ака оилада уч нафар фарзанднинг сеvimли отаси, шириндан-шаркар тўрт набиранинг меҳрибон бувасидир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Маънавият

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Кунини кеча «Шарқ маънавияти ва ғарб оммавий маданияти» мавзусида илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан республика фалсафа жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир Баркамол авлод йўлига бағишланди.

Тадбирда мафкуранинг жамият равнақи ва шахс камолотидаги ўрни, шарқ маънавиятининг моҳияти, ёшларни инсонпарварлик, бағрикенглик руҳида тарбиялаш масалалари атрафлича таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, маънавияти юксак халқни енгиб бўлмайди. Шу боис юртимизда миллий маънавиятни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи, қадриятларига ёт бўлган гоёлар кириб келишини олдини олиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ёшларнинг одоб-ахлоқи ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Анжуманда, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил февраль ойидаги фармойишига асосан ишлаб чиқилган «Жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида миллий истиқлол гоёсини, миллий қадриятларини, илмий-фалсафий адабий мерос ва ўзбек халқи ҳамда давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш» дастури доирасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Юртимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланилган ҳолда ҳар томонлама билимли, маънавий дунёқараши юксак бўлган фарзандларни вояга етказиш, уларни турли ахборот хуружлари ва ёт иллатларга қарши кучли иммунитет билан шакллантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида ҳам тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллатлараро тотувликни равнақ топтириш ва мустаҳкамлаш даврга қадам қўйди. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тинч-тотув яшаши учун тенг шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилди, республикамизда миллий-маданий марказлар тузилиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Бугунги кунда миллий-маданий марказлар ўзига хос аъёнлар, урф-одатлар, маросимларни тиклаган ҳолда ўзаро аҳил муносабатда бўлиб, бир-бирини бойитиб, умумий уйимиз — Ўзбекистонда ягона оила бўлиб яшаб келмоқда.

Яқинда Маънавият тарғибот марказининг Сергели тумани бўлими ташаббуси билан туман давлат солиқ инспекциясида бўлиб ўтган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам шу хусусида сўз борди.

— Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Сергели туманида ҳам турли миллат вакиллари жам бўлган, — деди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Баҳодир Ҳайитматов. — Агарда 1992 йилда атиги ўн та миллий маданият маркази фаолият юртган бўлса, шу кунгача 138 тага етди. Республика Байналмилал маданият марказининг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли диаспораларнинг миллий-маънавий эҳтиёжини қондириш, ҳар бирига хос бўлган урф-одат ва аъёнларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришда амалий ва услубий жиҳатдан ёрдам беришдан иборат. Миллатлараро дўстлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Дилором ИКРОМОВА

Ёшлар — келажакимиз

ТОХИРЖОН — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ СОВРИНДОРИ

Юртимизда ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маънавияти, бадий ва мусиқий дидини юксалтириш, тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат бошланғич мусиқий таълимни ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш, ушбу йўналиш бўйича педагог ва мутахассисларнинг маҳорати ва малакасини ошириш, меҳнатини эъзозлаш баробарида иқтидорли ўқувчи-ёшларни кашф этиш, янги ижодий парвозлар сари даъват этиш имконини бермоқда.

Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган ёш мусиқачиларнинг "Storzand" халқаро кўрик-танловида Р.Глиэр номидаги республика ихтисос-


лаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси, умидли пианиночи Тоҳиржон Асқаровнинг иккинчи ўринни эгаллагани бунинг яна бир далилидир. Дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатидан тўхтиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган юз нафарга яқин мусиқачи иштирок этган кўрик-танловда ўғил-қизлар турли ёш тоифасида ўз истеъдодини намойиш этди. Ун икки ёшли Тоҳиржоннинг маҳорати, мусиқачи нозик ҳис этиши танлов ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди.

Мусиқага меҳри баланд Тоҳиржон Асқаров 2003 йилда «Санъат гунаҳари» республика кўрик-танловида, 2007 йилда Италияда ўтган ёш мусиқачиларнинг халқаро «Le Muse» кўрик-танловида голибликни қўлга киритиб, Президентимизнинг стипендияси ҳамда совғаси — пианино ва компьютер билан тақдирланган эди. Шу қисқа вақт мобайнида

хамюртимиз Франция, Италия, Германия каби давлатларда ўтган бир қатор ижодий фестивал ва кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлга киритди. Т.Асқаров «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилувчи турли концертлар, ижодий лойиҳалар, фестивалларда фаол қатнашиб келади.

— Юртимизда ёшларнинг пухта билим ва тарбия олишига катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Тоҳиржон. — Бундай эътибор мен каби миң-миңлаб ёшларнинг эзгу орзулари рўёбга чиқишида муҳим омил бўлмоқда. Лицейни битиргач, мусиқа соҳасида янада пухта билим олиб, юртимиз довуғига довуғ қўйишни орзу қиламан.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



Ёз — ўтмоқда соз.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Қайси бошда ақлу идрок чарогон, Билимдан тортади танага қалқон. * * * Кимдаки, билим бор, кимда ақл бор, Ажалдан ўзга тиг унга қилмас кор. * * * Кимники, дилида илми серунум, Қаттиқ пўлат унинг қўлида бир мум. * * * Ким ҳаёсизликни қиттак ор билмас, Катта-кичик панди унга кор қилмас. * * *

Сулҳнинг фойдаси кўп, кишвар бехатар, Ақл солим бўлса ўлим чекинар. * * * Ношукурлик бўлса танлаган йўлинг, Ором топа билмас тану жон, дилинг. * * *

Ҳар яхши-ёмонлик кирса юракка, Шунга яраша куч чиқар билакка. * * * Улуғлик салоҳин бериб гумроҳга, Паст, нодон ишидан ботма гуноҳга. * * *

Нодонга, болага, яна гумроҳга Қудрат, қурол берсанг, қолдинг гуноҳга. * * *

Бебошни ҳеч қўлга олиб бўлмайд, Гумроҳни ҳақ йўлга солиб бўлмайд. * * *

Не хуш сўзлар демиш ул ақли расо: "Таги паства амал бермагил асло!"

Бундай иш охири бўлур ранжу дард, Ношукур киши ҳеч бўлмаган жўмард. * * *

Умрингни ўтказма эгрилик аро. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Сергели тумани Моҳичеҳра кўчаси, 48-уйга тегишли уй режаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Архитектура-қурилиш институти томонидан 2002 йил 13 июлда Мирзахмедов Бахтиёр Баҳодирович номига берилган 810 вк рўйхат рақамли В 078876 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт янгилеклари

НАВБАТ ЧОРАК ФИНАЛ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

КЕЧА ўтказилган ўйинлар мутахассису мухлислар кутган натижалар билан яқунланди.

Италияда шарқ яккакурашлари бўйича уюштирилган жаҳон чемпионати мамлакатимиз спортчиларига омад келтирди.

Курраи заминнинг 36 та мамлакатидан келган спортчилар иштирокида уюштирилган ушбу нуфузли турнирнинг фахрийлар баҳсларида терма жамоамиз бош мураббийси Комил Шукуров олтин медални қўлга киритган бўлса, унинг шогирдлари Санобар Ашурова, Шерзод Салимовга иккитадан, Ҳумоюн Фармонова биттадан олтин медаллар насиб этди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан ёшлар

Ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатида қуръа ташланди.

Маълумки, Осиё чемпионати уч босқичда ташкил этилади. Мусобақанинг биринчи босқичи жорий йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтади. Қуръа натижаларига қўра, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «А» гуруҳида Гонконг, Мьянма, Филиппин жамоалари билан голиблик учун кураш олиб боради. «В» гуруҳидан Индонезия, Бангладеш, Иордания, Эрон жамоалари ўрин олди. Гуруҳ голиблари иккинчи босқичда Вьетнам, Таиланд, Хитой Тайпейи жамоалари билан ягона голиб жамоани аниқлаш учун майдонга тушади. Ушбу баҳслар ноябрь ойида ўтказилади. Нихоят учинчи босқичда иккинчи босқич ўйинларида зафар қўчган ягона жамоа ўтган галги Осиё чемпионатининг юқори поғоналаридан жой олган Австралия, Шимолий ва Жанубий Корея, Япония, Хитой терма жамоалари билан олтиликни ташкил қилган ҳолда чемпионлик учун финал учрашувларини бошлайди. Яқуний ўйинлар 2011 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтади.

Биз кўпмиг сонли мухлислар номидан Равшан Шарофуддинов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоасига ушбу беллашуларда омад ёр бўлишини тилаб қолаемиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Япония — Парагвай учрашувда жамоалар ўйин тақдирини ҳал қилувчи ҳатларга йўл қўймаслик учун майдонда эҳтиёткорлик билан тўп суришди. Бинобарин, ушбу эрикарли ўйинда кескин ҳужумлар хавфи вазиятлар ҳам бермоқ билан санарли даражада кам бўлди. Фақат 20-дақиқада ҳар иккала жамоа бир оз жонланиб қолди. Дастлаб парагвайликлар ўнг қанотдан хавфи ҳужум уюштирган бўлсалар, орадан кўп ўтмай Дайсуке Мацуи узокдан берган кучли зарба дарвоза тўсисига тегиб қайтди.

Майдонда парагвайликларнинг бир оз устуңлиги сезилиб турган бўлса-да, япон футболчилари ҳам қарши ҳужумлар уюштириб туришди, бироқ голдан дарак йўқ эди. Шу тариқа учрашув 0:0 ҳисобида тугагач, ҳақамнинг чемпионатда илк бор қўшимча вақтни белгилашга тўғри келди. Кўшимча вақтда Япония футболчилари яна бир бор жуда қўлай вазиятга эга бўлдилар. Заҳирадан майдонга тушган Кейки Тамада чап қанотдан дарвоза томон ёриб кириб, ҳал қилувчи зарба бериш ўрнига негадир тўпни шеригига оширди. Нихоят, голибни аниқлаш учун гал футбол лотереяси — 11 метрликлар сериясига келди. Уни аник зарба билан парагвайлик Баретто бошлаб берди. Жамоалар кетма-кет бешта зарбани аник бажаришди. Ҳисоб парагвайликлар фойдасига 3:2 бўлиб турганида япон футболчиси Комано берган кучли зарба тўсисига тегиб қайтди. Тўққизинчи зарбани Кардоса (Парагвай) аник бажарган пенальтилар баҳси 5:3 ҳисобида Жанубий америкаликлар галабаси билан яқунланди. Шундай қилиб, Парагвай терма жамоаси ўз тарихида илк бор чорак финалга йўлланма олди. Кейинги Испания — Порту-

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига такроран «Асака» банк (ОАЖ) Бошқарувининг 24.12.2009 йилдаги 181-сонли қарорига асосан, банкга тегишли Тошкент шаҳар Нукус кўчаси, 67-уй манзилида сақланаётган қўйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Магнус» русумли, д/р 10UZ543 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 499 568 сўм. 2. «Супер Салон» русумли, д/р 10BC486 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 887 200 сўм. 3. «Дамас» русумли, д/р 10BI253 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 943 446 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 16 июл кўни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 16 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2009 йилнинг 22 ва 29 июл кўнларини соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закатат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига "O'zbekiston sanoat-qurilish banki" ОАТБ бошқарувининг 02.03.2010 йилдаги 15-1637-сонли қарорига асосан "O'zbekiston sanoat-qurilish banki" ОАТБ ҳузуридаги Амалйот бошқармасига тегишли бўлган, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Крилова кўчаси 35-уй манзилида жойлашган 2005 йилда ишлаб чиқарилган, 6 та қисмдан иборат бўлган "ун ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналар" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 383 557 000 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 2 август кўни соат 11:00да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2010 йил 2 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу мулкнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 5 ва 9 август кўни соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закатат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ малакали мутахассислари банкнинг муҳандислик лавозимига ИШАГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ Малака талаблари: Маълумоти — техникавий олий (муҳандис-қурувчи, муҳандис-технолог). Мутахассислиги: — саноат-фўқаро қурилиши, энергетика, нефтгаз соҳаси объекларини қуриш, ирригация, йўл қурилиши. Мутахассислиги бўйича иш тажрибаси — 5 йилдан кам бўлмаган. Ёши — 30 дан 45 гача. Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Маълумот учун телефонлар: 120-45-52, 236-77-00

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5617 нускада босилади. Қўрақ битими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.